

ЎЗБЕКИСТОН ССРДА КОЛЛЕКТИВЛАШТИРИШ СИЁСАТИНИНГ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ОҚИБАТЛАРИ

Б. Пасилов

**Т.ф.н. Низомий номидаги Ўзбекистон
миллий педагогика университетининг доценти**

<https://doi.org/10.5281/zenodo.20428481>

Мазкур мақолада Ўзбекистон ССРда 1920-йилларнинг охири 1930-йилларнинг бошида совет ҳукумати томонидан зўравонлик ва қаттағонлар йўли амалга оширилган коллективлаштириш сиёсатининг оқибатлари ҳамда ушбу сиёсатнинг анъанавий хўжалик юритиш тизимига кўрсатган таъсири таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: *Ўзбекистон ССР, деҳқонлар, қишлоқ хўжалиги, коллективлаштириш, колхоз, большевиклар партияси, ОГПУ, репрессия.*

Совет ҳокимиятининг деҳқонларга нисбатан олиб борган репрессив ва зўравонлик сиёсати натижасида нафақат Ўзбекистонда, балки бутун Ўрта Осиёда совет ҳокимиятига қарши чиқишлар бошланиб, ҳатто қуролли қўзғолонларгача бориб етди. ОГПУ материалларидаги Фарғона округидаги коллективлаштириш жараёнида йўл қўйилган хатолар ҳамда совет ҳокимиятига қарши чиқишлар ҳақидаги маълумотномада қайд этилишича, «Фарғонадаги оммавий антисовет чиқишларнинг характерини аниқ кўрсатиб туган етарли даражада батафсил материаллар мавжуд»¹.

Ушбу материалларда қишлоқдаги зўравонлик ва тартибсизликларни келтириб чиқарган ҳодисаларнинг асосий сабаблари кўрсатиб ўтилган:

1. Коллективлаштиришни ўтказмаётган аппарат жуда заиф эди, райондаги ходимларнинг деярли ҳеч бири колхоз нима эканлигини ва уни қандай ташкил этиш кераклигини аниқ билмас эди.

2. Тўлиқ коллективлаштиришга ўтиш тўғрисидаги қарорлар фақат аппарат тартибида, район ва тор қишлоқ активида ўтказилди. Деҳқонлар йиғилишларига тайёр қарорлар тақдим этилиб, колхоз правлениясини сайлаш таклиф қилинар эди.

3. Деҳқон оммасига колхоз қурилиши ҳақида берилган тушунтиришлар “колхозларга ёзилиш мажбурий, ёзилмаганлар сувдан маҳрум қилинади, катта солиқлар солинади, давлат таъминотидан чиқарилади ва Ўзбекистон ҳудудидан бадарға қилинади” деган гапларга асосланган эди.

4. Колхозларни ташкил этишда ўрта деҳқонларни бойлар тоифасига киритиш, оммавий тинтувлар ва шу каби ҳолатлар кузатилган.

Ўзбекистоннинг бошқа областларида ҳам деҳқонларга нисбатан шунга ўхшаш маъмурий бошқарув, зўравонлик ва репрессив усуллар қўлланилган. Масалан, Жалолқудуқ ва Норин районларида тўлиқ коллективлаштиришни ўтказиш даврида деҳқонларни колхозларга киришга мажбур қилишган,

¹ Трагедия Среднеазиатского кишлака: коллективизация, раскулачивание, ссылка. 1925– 1955. Документы и материалы. Т. 1. - Ташкент, 2006. - С. 79-80.

колхозга киришдан бош тортган камбағалларни ҳибсга олиш, йиғилишларга зўрлик билан олиб келиш ҳолатлари ва ҳоказо кузатилган².

ОГПУнинг оператив хулосасига кўра, 1930 йил 15–20 феврал кунлари Фарғона округида ўта кескин вазият юзага келиб, бу ўта зиддиятли, ҳатто қуролли қўзғолонга олиб чиқиши мумкин бўлган вазиятнинг келиб чиқишига сабаб бўлган. Агар ушбу округнинг Бағдод районида 1 февралдан 15 февралгача деҳқонларнинг 5та оммавий чиқиши бўлиб, уларда 1950 киши қатнашган бўлса, кейинчалик бу чиқишлар бошқа районларга ҳам тарқалди ва 15–20 феврал кунлари оммавий чиқишлар сони 10 тага етди, уларда эса 5200 деҳқон қатнашди³.

Шу йилнинг март ойида Ўзбекистон ССРда оммавий чиқишлар сони 70 тага етди, улардан 59 таси тўғридан-тўғри коллективлаштиришга қарши қаратилган эди, 53 та чиқиш бўйича умумий қатнашчилар сони 30143 кишини ташкил этди⁴.

Юқорида таъкидлаганидек, деҳқонларнинг коллективлаштиришга қарши энг оммавий чиқишлари Фарғона водийсида содир бўлган. Коллективлаштиришга қарши бундай ўта кескин норозилик бошқа округларда, жумладан Самарқанд, Сурхондарё, Қашқадарё, Хоразм, Тошкент ва Бухоро округларида ҳам кузатилган, чунки бу округларда ҳам совет маъмурий органлари деҳқонларни колхозларга киритиш учун репрессив усулларни қўллаганлар.

Масалан, Самарқанд округининг Митан районида колхозлар ташкил этиш учун келган совет ҳокимияти вакиллари тушунтириш ишларини рус тилида ёзилган эълонлар тарқатиш орқали олиб боришган. «Колхозга кирган» чорвачилар рўйхати уларга хабар бермасдан тузиб чиқилган. Зомин районида колхозлар ташкил этиш масаласи бўйича ўтказилган йиғилишларда ходимлар «колхозга кириш бу умумий қозон, умумий коса ва умумий тўшакка эга бўлиш дегани» деб тушунтиришган. Баъзи қишлоқларда колхозларни ташкил этиш маъмурий ва мажбурий тартибда ўтказилган: рўйхатлар сиртдан тузиб чиқилган ва уларга киритилганлар колхоз аъзолари деб эълон қилинган⁵.

Колхоз тузилишига қарши ҳаракатининг фаол иштирокчилари орасида аёллар ҳам бўлган. Масалан, 1930 йил феврал ойи бошида Хоразм округи, Хонқа райони, Серакаян қишлоғида 300 нафар аёллардан иборат, болта ва таёқлар билан қуролланган оломон колхоз ташкил этиш бўйича йиғилишни тўхтатишган. Натжада 10 киши ҳибсга олинган. Шунга ўхшаш чиқишлар 1930 йил 31 январда Янгиургенч райони, Кият-Чандир қишлоғида ҳам бўлиб, унда қатнашган аёллар “Колхозлар йўқ бўлсин!” деб ҳайқаришган⁶.

² Трагедия Среднеазиатского кишлака: коллективизация, раскулачивание, ссылка. 1925– 1955. Документы и материалы. Т. 1... - С.80.

³ Трагедия Среднеазиатского кишлака: коллективизация, раскулачивание, ссылка. 1925– 1955. Документы и материалы Т. 1... - С.80.

⁴ Трагедия Среднеазиатского кишлака: коллективизация, раскулачивание, ссылка. 1925– 1955. Документы и материалы Т. 1... - С. 169.

⁵ Трагедия Среднеазиатского кишлака: коллективизация, раскулачивание, ссылка. 1925– 1955. Документы и материалы Т. 1... - С. 91.

⁶ Трагедия Среднеазиатского кишлака: коллективизация, раскулачивание, ссылка. 1925– 1955. Документы и материалы Т. 1... - С. 60.

Аксилсовет ва колхозларга қарши чиқишларнинг кенг кўламга эга бўлиши республика сиёсий раҳбариятини партия органлари томонидан коллективлаштиришни ўтказишда зўравонлик ва репрессив усулларни қўллашни «сиёсий жиҳатдан хато» деб тан олишга мажбур қилди. Шундай қилиб, 1930 йил 11 февралда Ўзбекистон КП МК Ижроия бюроси Мирзачўл райони масаласини муҳокама қилди. Унда совет маъмурий органлари бир кечада барча бойларни қулоқ сифатида тугатишни ўтказмоқчи бўлганлар. Марказий Қўмита қарорида таъкидланишича, «қулоқларни синф сифатида тугатиш ишида партия сиёсатининг маҳаллий ташкилотлар (Мирзачўл, Янгиюл, Тошкент округи ва бошқалар) томонидан қўпол равишда бузилиши асосан қуйидаги сабаблар билан кўрсатилган эди:

а) қулоқларни тугатиш ишида батрак ва камбағал-ўрта деҳқон оммасининг ўз ташаббусини маъмурий бошқарув билан алмаштириш ва ўрнини босиш;

б) партия қулоқларга қарши ўтказётган тадбирларни ўрта деҳқонларга ҳам татбиқ этиш;

в) қулоқлаштиришни 1918–1920 йиллар усуллари билан ўтказиш, яъни қулоқ ерлари, инвентарлари ва мол-мулки камбағал ва ўрта деҳқонлар ўртасида бўлиб берилиши;

г) қулоқлаштиришни тўлиқ коллективлаштириш районларидан ташқарида ҳам ўтказиш.

Шунинг учун республика сиёсий раҳбарияти “қулоқлаштиришни тўлиқ коллективлаштиришдан ажратиб қўйишга ва айниқса ёппасига коллективлаштиришни қулоқлаштириш билан алмаштиришга” қаратилган барча уринишларга қарши “курашни кучайтириш”ни таклиф қилди.